

А Ж Р И М

2021 йил январь ойининг 26 кунида жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди, очиқ суд мажлиси, ўз биносида бўлиб, якка тартибда, раислик қилувчи А.Олтибоев, судья ёрдамчиси С.Хошимованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ж.Авазхоновнинг иштирокида, Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ бошлиғи томонидан маҳкум Исматов Улуғбек Исматовични ўталмай қолган озодликни чеклаш жазосини ўташ муддатидан илгари шартли равишда озод этиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра,

Исмамов Улуғбек Исмамович (Ismatov Ulug`bek Ismatovich), 1977 йил 19 май куни Самарқанд шаҳрида туғилган, ўзбек, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, Ўзбекистон фуқароси, олий, судланган, Самарқанд шаҳар 35-мактабда ўқитувчи, Самарқанд шаҳри “Менделеева” кўчаси 87-уйда яшайди.

Суд, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб қуйидагиларни-

А Н И Қ Л А Д И:

Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ бошлиғи томонидан Исмамов Улуғбек Исмамовични ЖИБ Самарқанд шаҳар судининг 2018 йил 26 сентябрь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди ва 28,211-моддаси 2-қисми “б” банди билан, ЖКнинг 57,59,61-моддалари тартибида узил-кесил, 4 йил 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланган, Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ Пробация бўлинмаси ҳисобига 2018 йил 13 октябрь куни келиб тушиб, жазони ўтаб келаётганлиги, у тайинланган жазони, ярмини ўтаганлигини маҳкумнинг ўталмай қолган 2 йил 2 ой 24 кун озодликни чеклаш жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод этишни сўраб тақдимнома киритилган.

Маҳкум У.Исмамов суд мажлисида, ҳозирда у содир қилган қилмишидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини, унга нисбатан тайинланган жазо муддатини ярмини ўтаганлигини, шу сабабли Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантириб, унинг ўталмай қолган озодликни чеклаш жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод этишни сўради.

Суд, тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, маҳкум У.Исмамовнинг кўрсатувини тинглаб, давлат айбловчиси Ж.Авазхоновнинг тақдимномани қаноатлантириш тўғрисидаги фикрини эшитиб, Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ бошлиғининг тақдимномасини қаноатлантиришни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 536, 542-моддаларига асосан суд ажрим қилади,-



А Ж Р И М:

Тақдимнома қаноатлантирилсин.

Маҳкум Исмамов Улуғбек Исмамович, ўталмай қолган 2 йил 2 ой 24 кун озодликни чеклаш жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Ажрим ижросини таъминлаш Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Маҳкум У.Исмамовга жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган тақдирда ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши мумкинлиги тушинтирилсин.

Ажримдан норози томонларга ажрим эълон қилинган кундан, маҳкум ажрим нусхасини олган кундан ўн кун муддатда ушбу шаҳар суди орқали жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судига хусусий шикоят ёки прокурор хусусий протест келтиришга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи:

А.М.Олтибоев

“Нусхаси алига тўғри.”

